

Муслим Рихсиевич АТАЕВ,
Тошкент давлат шарқишунослик
университети катта ўқитувчиси, PhD

УСТРУШАНАЛИК ҚОЗИ ВА УНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

КАДИ ИЗ УСТРУШАНА И ЕГО НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЕ

QADI FROM USTRUSHANA AND HIS SCIENTIFIC HERITAGE

Аннотация: Ушбу мақолада биринчи ренессанс доирасида илмий фаолият олиб борган Уструшана илмий-маданий марказининг йирик намоёндаси, фақиҳ, қози Абу Жаъфар Уструшанийнинг ҳаёти, илмий мероси, устоз ва шогирдлари хусусида сўз юритилган. Шунингдек, Уструшана минтақасининг номланиши, ҳудудий бирлиги, тарихий жойлашган жойи ҳақида қисқача маълумот ҳам берилган.

Калит сўзлар: Мовароуннаҳр, ўрта асрлар, Уструшана, мерос, қози, манба, муфассир, муҳаддис.

Аннотация: В статье рассказывается о жизни, научном наследии, учителях и учениках Абу Джаъфара аль-Уструшани, крупного представителя научно-культурного центра “Уструшана”, который вел научную деятельность в период первого ренессанса. Также приводится краткое описание названия Уструшанского района, его территориальной единицы и исторического положения.

Ключевые слова: Маварауннахр, средневековье, Уструшана, наследие, судья, источник, муфассир, мухаддис.

Annotation: The article tells about the life, scientific heritage, teachers, and students of Abu Ja'far al-Ustrushani, a major representative of the scientific and cultural center “Ustrushana”, who conducted scientific activities during the First Renaissance. There is also a brief description of the name of the Ustrushana region, its territorial unit, and historical position.

Keywords: Mawarannahr, middle ages, Ustrushana, heritage, judge, source, mufassir, muhaddis.

КИРИШ

IX-XII асрларда Мовароуннаҳрда кузатиладиган биринчи ренессанс доирасида шаклландиган диний-маънавий ва илмий-маданий марказлардан бири бўлган Уструшанада юздан

ошиқ уламолар фаолият юргазган. Тарихий Мовароуннаҳр – бугунги Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритган бошқа марказлардан фарқли ўлароқ, Уструшана илмий мактабининг қирралари, жумладан, унда шаклландиган ва узок муддат муваффақиятли фаолият юритган нуфузли фикҳий мактаб ютуқлари ҳали яхши ўрганилмаган.

Юртимизнинг Бухоро, Самарқанд, Насаф, Кеш, Термиз, Хоразм, Шош ва Фарғона водийси каби йирик шаҳар ва ҳудудлари жаҳон тамаддуни ривожига хизмат қилган буюк муфассир, муҳаддис ва фикҳшунос олимларни вояга етказган илм масканлари сифатида ном қозонгани кенг жамоатчиликка яхши маълум. Тарихий Уструшана, ҳам ана шундай табаррук масканлардан бири бўлган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Манбаларда Уструшана минтақаси турлича номлар билан аталганини кўриш мумкин. Бу жой номи турли манбаларда Асрушана ёки Ашрусана, Осрушана ёки Сутрушана, Сурушана, Шурусана, Шурушана шаклларида учрайди [1:221]. А.Г. Малявкин илк ўрта аср хитойча ёзма манбалар асосида ҳудуднинг Шуайдушона, Судуйшона, Цзебуцзюйна (Цзевудана), Судушина, Суйдушана, Кобугюйна, Судучжини тарзида номланганини эътироф этади [2:78].

Н.Н. Негматов томонидан Усрушона деб талқин қилинган [3:16] бу ном, кейинчалик В.А. Лившиц томонидан Муғ ғоридан топилган суғд ҳужжатлари таҳлили асосида Уструшана деб талқин этилган [4:87]. ЎзР ФА ШИДа сақланаётган Маждуддин Уструшаний асарларининг қўлёзмалари синчиклаб ўрганилиши натижасида бу минтақа номини В.А.Лившиц таъкидлаганидек, “Уструшана” шаклида ўқишни тўғри деб ҳисоблаш мумкин.

Уструшана минтақаси ҳақида илк ўрта асрлар хитой ва суғд ёзма манбалари ҳамда ўрта асрларга оид араб ва форс тилларидаги тарихий-географик асарларда ҳам айрим маълумотлар берилган. Хитой манбаларида Уструшана IV-V асрлардаёқ мустақил ҳокимлик сифатида тилга олинади. Милоддан аввалги II асрнинг охири - I асрнинг бошларида яшаб ўтган, хитой тарихининг отаси деб эътироф этилган Сима-Цзян асарида ва яна бир қадимги хитой

тарихчиси Бан-Гунинг (мил. авв. 206-мил. 25 й.) “Цянь ханьшу” (“Хон катта хонадони тарихи”) йилномасида Довон (Фарғона)дан то Анси (Бактрия)гача бўлган жойларнинг аҳолиси бир-бирига яқин турли шеваларда гаплашганлари тарихий манбаларда ёритилган. Яъни, Уструшана аҳолисининг тили суғд тилига ўхшаш тилда сўзлашувчи Сирдарё ва Амударё оралиғида яшаган аҳоли тилига яқин бўлган. Бу асарда Уструшана халқларининг ўзига хос хусусиятлари, ҳаёт тарзи ва урф одатлари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилган [5:272].

VII аср бошларида Ли Янь-шоу томонидан ёзилган “Шимолий хонадонлар тарихи” – Бей-ши (336-581)нинг 97-бобида Уструшана номи илк маротаба “Судуйшона” тарзида қайд этилган. Шунингдек, бу минтақада қазиб олинаётган олтин, темир, оникс маъданлари, Дэси руҳига сиғинувчи аҳолининг турмуши ва ҳаёт тарзи ҳақида қимматли маълумотлар қайд этилган. “Суй сулоласи тарихи” – Суй-шу (581-618-йиллар) муаллиф Вэй Чжен томонидан 644 йилда тузилган бўлиб, унинг 83-бобида Уструшана минтақаси ҳақидаги Бэй-ши маълумотлари такрорланган. “Тан сулоласи тарихи” – Тан-шу (618-907)нинг 1060-йилда муаллиф Оу Янаю томонидан қилинган иккинчи таҳрири 221-бобида биринчи марта Уструшана минтақасига қисқача таъриф ва тавсиф берилган. Бу маълумотларда аввало, Уструшана минтақасининг бир неча вариантларда ўқиладиган номлари (Шуайдушана, Судулишена, Шарқий Цао) келтирилган, қолаверса, Уструшанадан қўшни вилоятларгача бўлган масофалар, илоҳийлаштирилган ғор ва унга сиғинувчи одамлар, атрофлича бўлсада араб истилосига қарши курашнинг қисқа воқеаларига доир сиёсий ҳаёт баён этилган [6:13-14].

Хитой йилномалари “Бей-ши ва Суй-шу”да бу ҳудудни Шарқий Цао (суви йўқ) деб номланиши қўшни Чоч ва Суғддан фарқли равишда дарёларнинг кўп бўлмагани билан изоҳланади. VIII асрга оид Хитой географик сайёҳи Сюань-дзан ўзининг “Йилнома” асарида бу ўлкани “Сутулисэн” деб ҳам номлайди. Тан императорлари саройида ўлканинг номи Лайвий (хитойча – мағрурлигини билган ҳолда ўзгага бўйсунмок) деб ҳам юритилган. Таниқли

саёҳатчи Сюань-Цзаннинг (VII аср биринчи ярми) ғарбий ўлкалар тавсифига бағишланган Сийюцзи асари ва сайёҳ Хой Чао (726 йил) эсдаликларида ҳам Уструшана қадимиятига дахлдор маълумотлар қайд этилган [7:135].

Машҳур географ олим Абу Исҳоқ Истахрий (тахм. 850-934) “Масолик ал-мамолик” асарида шундай ёзиб қолдирган: “Уструшана Суғд каби ўлка номи бўлиб, бу номдаги шаҳар бўлмаган. Уструшананинг аксарият қисми тоғ, ғарб томондан Самарқанд худуди, шимол томондан Шош воҳаси ва Фарғонанинг айрим худуди, жануб томондан Кешнинг озгина қисми, Сағаниён, Шумон, Вошғирд ва Рошт худуди, шарқ томондан Фарғона ерлари билан туташиб кетган. Уструшанада жойлашган шаҳар ва қишлоқлар Бунжикет, Зомин, Дизак, Арсияникет, Куркет, Ғазақ, Фағкет, Собот, Нужкет ва Харақона деган номлар билан аталган. Уструшана шаҳарлари орасидаги масофага келсак, Харақонадан Дизаккача беш фарсах [8:326], Харақонадан Зомингача тўққиз фарсах, Зоминдан Соботгача уч фарсах, Зоминдан Ховас йўли орқали Куркетгача ўн уч фарсах, Нужкет ва Харақона масофаси икки фарсах, Харақонанинг жанубий шарқидан Фарғона чегарасидаги Арсияникетгача тўққиз фарсах. Фағкет шаҳри (Бунжикет)дан тўққиз фарсах, Хўжанд йўлида, Фағкет Ғазақгача икки фарсах, Ғазақдан Хўжандгача олти фарсахдир” [9: 326, 341-342].

Уструшанадан кўплаб уламолар етишиб чиккан, шундай уламолардан бири, машҳур қози, фақих Абу Жаъфар Уструшанийдир. Унинг тўлиқ исми – Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Амр ибн аш-Шаъбий ибн Сулаймон ал-Уструшаний. У бутун умри давомида сермахсул ижод қилган ҳуқуқшунос олим бўлиб, унинг серқирра илмий-маънавий меросини тадқиқ қилиш миллий маънавий қадриятлар тикланаётган бугунги шароитларда алоҳида аҳамият касб этади. Алломанинг ҳаёти ва бой илмий-маънавий меросини халқимизга етказиш ҳамда унинг ҳозирги кундаги аҳамиятини очиб бериш уструшаналик олимларнинг ислом тамаддунига қўшган ҳиссаси ҳамда қадимий Уструшана тарихига аниқлик киритади.

Абу Жаъфар Уструшанийнинг илмий-маънавий мероси ҳақида кўплаб манбаларда хабар берилса-да, унинг шахси ва оиласига

доир маълумотлар кам ўрганилган. Абу Жаъфар Уструшаний гарчи ҳаёти давомида Бухоро ва Самарқандда яшаб, амалий ва ижодий фаолият билан шуғулланган бўлса-да, унинг асарларида келтирилган маълумотлардан олим Уструшанада туғилиб, дастлабки илмларини шу ерда олганини билиб олиш мумкин. Кейинчалик илмини ошириш учун Бухорога келиб, ушбу шаҳарда муқим бўлиб қолгани маълум бўлади.

Олим ўзигача яшаб ўтган фақиҳларнинг деярли барча асарларини ўрганиб чиқади. Кейинчалик таҳсилни давом эттириш учун халифалик пойтахти, ўша даврнинг энг йирик илмий-маданий маркази бўлган Бағдодга боради. У ерда Абу Бакр Жассос Розийга шогирд тушади. Узоқ йиллар илм эгаллаш йўлида олиб борган саъй-ҳаракатлари ва изланишлари натижасида фикҳ илмида юксак даражаларга эришади. Шунингдек, олим ҳадис илмининг Мовароуннаҳрдаги ривожига ҳам муҳим ҳисса қўшгани манбалардан маълум. Жумладан, Абу Зайд ад-Дабусий “ал-Асрор” асарида тўртта ҳадисни Халил ибн Аҳмад Сижзий (290/902-378/988)дан Абу Жаъфар Уструшаний воситасида ривоят қилган.

Абу Жаъфар Уструшаний Бухорода қозилик қилган, кейинчалик Самарқандда ҳам шу вазифани бажарган ва 404/1013 йил мазкур шаҳарда вафот этган. Жасади Бухорога олиб кетилиб, ўша ерда дафн этилган. Бухоролик олимлар ҳақидаги “Тарихи Муллазода” асари муаллифи Муъин ал-фуқаро Аҳмад ибн Маҳмуднинг (VIII/XIV асрнинг биринчи ярми) таъкидлашича, Бухородаги “Талли судур” номли қабристонда “етти қози” қабрлари жойлашган. Абу Жаъфар Уструшаний (ҳам) ўша ерга дафн қилинган. Айтиш лозимки, “Бухоронинг етти қозиси” саноғи Абу Жаъфар Уструшанийдан бошланиб, уларнинг қаторига Абу Зайд ад-Дабусий (ваф. 430/1039 й.), Исмоил ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Мустамлий Бухорий (ваф. 434/1043 й.), Завзон (яшаган даври аниқланмаган), Бадиъуддин Бухорий (XII аср) ва унинг ўғли Заҳириддин Бухорийлар (ваф. 619/1222 й.)” киради [10:56-57].

“Бухоронинг етти қозилари” айнан кимлардан иборат бўлгани ҳақида турли фикрлар мавжуд: юқоридаги рўйхатда олти та фақиҳ исми зикр этилган. Араб тадқиқотчиси Субҳий Муҳаммад Хайёт Шох Валийюллоҳ

Дихлавийнинг (ваф. 1176/1762 й.) “ал-Инсоф фи баён асбоб ал-ихтилоф” (“Ихтилофлар сабабларини баён қилишда ўртача йўл”) асарига асосланиб, “Бухоронинг етти қозилари” қаторига Абу Жаъфар Уструшаний, Абу Зайд Дабусий, Исмоил Мустамлий, Абу Умар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Марвазий, Абул Юср Муҳаммад Паздавий, унинг ўғли Абул Маъолий Аҳмад, Бадиуддин Бухорий, унинг ўғли Заҳириддин Бухорий ва Қозихон Ўзгандийларни киритади [11:27]. Аҳамиятлиси шундаки, тўққиз нафар фақиҳнинг исми шарифи келтирилган ушбу рўйхат ҳам Абу Жаъфар Уструшанийдан бошланади.

Абу Жаъфар Уструшанийнинг ҳаёти, илмий-ижодий фаолияти ва ўрта асрлар Мовароуннаҳр фикҳ илми ривожига қўшган ҳиссасини аниқроқ ёритиб бериш учун у яшаган давр ҳақида ҳам маълумот бериш жоиз. Шунда олимнинг ҳанафийлик мазҳаби ривожига тутган ўрнини ҳолисона белгилаш ва таҳлил қилиш мумкин бўлади.

Фақиҳ яшаган X асрнинг охири-XI асрнинг бошларида Мовароуннаҳр Сомонийлар (261-389/875-999) ва Қорахонийлар (389-607/999-1212) давлатлари таркибида бўлган [12:345].

Мовароуннаҳрда қадимдан шаклланган устоз ва шогирд анъаналари X- XI асрларда янада ривожланди. Минтақада шаклланган бой илмий муҳит ҳамда қулай шароитлар бунга ижобий таъсир кўрсатди. Абу Жаъфар Уструшаний ҳам фақиҳ сифатида ҳанафий мазҳаби муҳитида шаклланди. Унинг илк устози амакиси Лукмон ибн аш-Шаъбий Уструшаний бўлган. Ушбу олимнинг тўлиқ исми Лукмон ибн аш-Шаъбий ибн Сулаймон Уструшаний бўлиб, у X асрда Уструшанада туғилиб, шу ерда вафот этган. Аллома фикҳ соҳасида ҳам самарали ижод қилиб, кўплаб шогирдлар етиштирган.

Абу Жаъфар Уструшанийнинг иккинчи устози Абу Бакр Муҳаммад ибн Фадл Каморий Бухорийдир [13:300]. У 301/913 йил таваллуд топган, Бухоро ҳанафий фақиҳларининг устози ҳисобланади. Каморий бухоролик илоҳиётчиларга қарши чиқиб, Самарқанд илоҳиёт олимларининг “Имон – яратилган” деган фикри тарафдори бўлгани билан ҳам тарихга кирган. Катта илмий салоҳият ва нуфуз эгаси бўлган Каморийнинг устозлари занжири

куйидагича: Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб Ҳорисий Субазмуний (258-340/871-952) – Абу Абдуллоҳ Абу Ҳафс ас-Сағир (ваф. тахм. 270/884 й.) – отаси Абу Ҳафс ал-Кабир (ваф. 217/832 й.) – Муҳаммад Шайбоний (ваф. 189/804 й.) – Абу Ҳанифа [14: 100].

Абу Бакр Каморий фикҳ ва ҳадис илмидан ташқари тасаввуф асосларини ўрганиш билан ҳам шуғулланган. Унинг бир неча асарлари борлиги маълум. Улардан “Баҳр ал-фавоид” (“Фойдалар денгизи”), “ал-Ашфо ва-л-автор” (“Чегаралар ва диагоналар”), “ал-Фавоид фи-л-фикҳ” (“Фикҳнинг фойдалари”) каби китобларни санаб ўтиш мумкин. “Баҳр ал-фавоид” асари ҳадис илмига бағишланган бўлиб, унда муаллиф устози ас-Субазмунийдан йигирмадан ортиқ ҳадис келтирган. Олим бир муддат Нишопурда фақиҳ сифатида фаолият кўрсатган ва ўша ердан ҳаж сафарига борган ва ҳадис ривоят қилиб, имло дарсларини ўтган. У 381/991 йил Рамазон ойининг жума куни 80 ёшида Бухорода вафот этган [15: 309-312].

Абу Жаъфар Уструшаний ҳам Мовароуннаҳр, ҳам Ироқ ҳанафий фикҳи мактабларидан хабардор бўлган. Чунки унинг учинчи устози ироқлик машҳур ҳанафий олим Абу Бакр Аҳмад ибн Али Жассос Розий эди. У 305/918 йили Бағдодда таваллуд топган ва шу ерда муқим яшаган. Асли Рай аҳлидан бўлиб, Мовароуннаҳрда фикҳнинг ривожига катта ҳисса қўшган олим ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, ҳанафийлик мазҳаби амал қилган мусулмон минтақаларидаги қозилик маҳкамалари ишини юритишда ироқлик фақиҳлар томонидан яратилган манбалар дастуруламал сифатида хизмат қилган. У 370/981 йилда вафот этган [16:98-101].

Абу Жаъфар Уструшанийнинг шогирдлари ислом оламида танилган, кўплаб қимматли асарлари билан фикҳ илмининг ривожига салмоқли ҳисса қўшган энг ишончли фақиҳлар даражасига эришган. Жумладан, машҳур ҳанафий фақиҳлардан бири Абу Зайд Дабусий (ваф. 431/1039) Абу Жаъфар Уструшанийнинг шогирдидир. У Бухоро билан Самарқанд оралиғида жойлашган, ҳозирда Самарқанд вилоятига тегишли Дабусия қишлоғида туғилиб ўсган, “Кузоти сабъа” (Етти қози)дан бири бўлмиш Абу Зайд Убайдуллоҳ (баъзи манбаларда Абдуллоҳ) ибн Умар ибн Исо ад-

Дабусий ислом ҳуқуқи бўйича “Илмул хилоф” деб аталган янги фаннинг асосчисидир. У суннийлик мазҳаблари орасида ҳуқуқий муаммолар бўйича кузатилган ихтилофларни чуқур ўрганиб, уларни илмий услубда тушунтириш қоидаларини яратиб берган ва кўплаб илмий асарлар ёзган [17:320].

Абу Зайд ад-Дабусий илми хилоф бўйича “ат-Таълиқа” номли китоб ҳам ёзган. “Абжаду-л-улум”да таъкидланишича, ҳанафий мазҳабида у қиёс услуби бўйича кенг маълумот берган, унга тегишли бўлган шартлар ва баҳсларни тугатган ҳамда усулу-л-фикҳ илмини камолга етказган олим бўлган [18:109]. Ҳанафий мазҳабида қиёс услуби борасида энг яхши асар ёзган олим, мутақаддимлардан ад-Дабусий ва мутааххирлардан Сайфулислом Баздавий эди. Заҳабийнинг ёзишича, Дабусий 430/1039 йили вафот этган ва “Табақоту-л-ҳанафия”да ёзилишича, Дабусиядаги “Тўққиз қози” (ёки Етти қози) мақбарасида дафн этилган.

Абу Жаъфар Уструшанийнинг устоз ва шогирдлари ҳақидаги маълумотлар унинг фикҳ илми ривожига улкан ҳисса қўшганини яна бир карра тасдиқлайди. У зот таваллуд топган ва вояга етган Жиззах воҳаси, яъни Уструшана минтақаси ўрта асрларда юқори мавқе ва нуфузга эга бўлган йирик илмий-маданий марказ сифатида турли манбаларда эътироф этилган.

Абу Жаъфар Уструшанийнинг илмий-маънавий меросини “ал-Жомий ал-кабир”, “аз-Зиёdot” ва “Кифоят аш-Шаъбий” каби фикҳий асарлар ташкил қилади. Унинг “аз-Зиёdot” асари бугунгача етиб келмаган, лекин бошқа манбаларда ундан иқтибослар келтирилган.

Абу Жаъфар Уструшаний яшаган даврда ҳанафий ва шофеъий мазҳаблари ўртасидаги баҳслар кучайган, ҳанафий фақиҳлар, одатда, оят ва ҳадисларга кам суянганликда танкид қилингани учун ўзларининг мазҳабини Қуръон ва Суннага асосланганини кўрсатишга интилар эдилар. Абу Ҳанифа вафотидан сўнг (150/767 й.) милодий XI аср бошигача Мовароуннаҳрда ҳанафий фикҳ бўйича ёзилган санокли асарлар қаторига Абу Жаъфар аш-Шаъбий Уструшанийнинг “Кифоят аш-Шаъбий” (“Шаъбийнинг кифоя қилувчи китоби”) асарини киритиш мумкин. Мазкур асарнинг Туркияда сақланаётган нусхаси “ал-Мажолис фи фуруъ

ал-фикҳ” (“Фикҳ тармоқларига бағишланган мажлислар”) деб номланади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида “Кифоят аш-Шаъбий” асарининг учта қўлёзма нусхалари 4611, 4666, 6013 рақамлари остида сақланмоқда.

Таркибий тузилиши нуқтаи назаридан мазкур асар 80 та мажлис, яъни суҳбатдан иборат бўлиб, унда фикҳий масалалар билан бирга нақлий илмлар ва ваъзлар, яъни Куръони карим оятлари ва Расулulloҳ (с.а.в.)нинг фикҳий-ҳуқуқий масалаларга доир ҳадисларини камраб олган. У нафақат фикҳий, балки амри маъруф ва наҳйи мункар тарзида битилган дидактик, яъни панд-насихатлардан иборат асарлар сирасига ҳам киради.

“Кифоят аш-Шаъбий”нинг ёзилишига мамлакатдаги диний, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳалар билан боғлиқ муаммоларнинг йиғилиб қолгани сабаб бўлган дейиш мумкин. Абу Жаъфар Уструшаний асарида жамланган фатволарда шариат қоидаларига хилоф бўлмаган ҳалқона урф-одатларга катта эътибор берилган. Китобнинг бошқа фикҳий асарлардан муҳим фарқларидан бири унинг ахлоқий-дидактик мазмунда эканлигидир.

Абу Жаъфар Уструшаний асарининг шуҳрат қозонгани бежиз эмас, албатта. Чунки у ўз даврининг етук мутафаккири, чуқур билимли фақиҳларидан бири эди. Гарчи у асосан фикҳга бағишланган бўлса-да, лекин асар матнидан муаллифнинг фалсафий тафаккур соҳиби ва қомусий олимлиги яққол кўриниб туради. Муаллиф муайян масаланинг ечимини излашда кучли далилларга суянади. Улар, энг аввало, оят ва ҳадислардир. Бундан кейин мазҳаб асосчилари бўлган буюк мужтаҳид-имомлар – Абу Ҳанифа, Молик, Шофеъий, Абу Ҳанбал қарашлари Абу Жаъфар Уструшаний томонидан дастур қилиб олинган. Шунингдек, ҳанафий мазҳаб ичидаги мужтаҳидлар, биринчи навбатда, Абу Ҳанифанинг шогирдлари – Абу Юсуф, Муҳаммад Шайбоний, Зуфар ва бошқаларнинг фикрига суяниш, ўзидан олдин ўтган фақиҳлар фатволарини назарда тутиш каби олимона ёндашув Уструшаний асарининг пухта-пишиқлигини таъминлаган ва унга бўлган ишончни кучайтирган. Тегишли муаммога оид фатвони шакллантиришда

муаллиф ҳанафий мазҳаби талабларига риоя этиш билан биргаликда, бошқа мазҳабларга ҳам мурожаат қилгани, эътиборли фикҳий асарлардан иқтибослар келтиргани, баъзи ўринларда ўзининг фатвосини бергани ёки масаланинг ечимини таржих қилиш орқали топишга ҳаракат қилгани диққатга сазовордир.

Юқоридагилардан кўриниб турганидек, Абу Жаъфар Уструшаний ўзининг мулоҳазалари ва далилларини салафлар фикридан кейинги ўринда келтиради. Бунда дастлаб тегишли фикҳий масала бўйича билдирилган нуқтаи назарлар баён қилиниб, сўнгра мазҳаб доирасида танланган фикрга урғу берилади. Шунингдек, ҳанафий мазҳаби фақиҳлари томонидан билдирилган заифроқ далиллар ҳам олдин келтирилиб, уларнинг энг кучлилари якуний қарор сифатида тақдим этилади.

Уструшанийнинг етук олимлиги исботларидан яна бири сифатида унинг асарларида юздан ортиқ буюк фақиҳлар, имомлар, мужтаҳидлар, жумладан, машҳур саҳобийлар, тобеъинлар ва табаъ-тобеинлар фикрларининг зикр этилганини кўрсатиш мумкин. Бундан Абу Жаъфар Уструшанийнинг том маънодаги заҳматкаш тадқиқотчи бўлгани аёнлашади.

ХУЛОСА

Юқоридаги маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкин, мусулмон Шарқидаги эътиборли маданий марказлар қаторида кўҳна Уструшана ҳам Мовароуннаҳрдаги йирик маданият марказларидан бири бўлган. Бу ерда илоҳиёт ва адабиёт илмлари билан бир қаторда аниқ ва ҳарбий фанлар ҳам ривожланган. Халифа Маъмун ва (218/833-226/841) Муътасим хизматида бўлган Ҳайдар ал-Афшин 220/835 йилда халифанинг бош қўмондони этиб тайинланганлиги ҳамда унинг Византия устидан ғалабаси, император Феофилни мағлубиятга учратгани, Озарбайжонда Бобак қўзғолони ва Табаристонда Мозиёр ибн Қорин устидан қозонилган зафарлар замирида Уструшанада олинган ҳарбий билимлар ҳам ётади, дейиш мумкин. Манбаларда Уструшананинг Худийсар номли жойида бутун Моварауннаҳрда улкан ҳисобланган ҳарбий истеҳком барпо қилингани, уструшаналик қатор қўмондонлар ва, айниқса, бу заминда ишлаб

чикилган курол-яроғ, темир ҳамда мисдан ясалган асбоб-анжомлар, ёғоч асбоб-ускуналар, эгар-жабдуқлар ва бошқа ҳунармандлик маҳсулотлари Шарқ мамлакатларига экспорт қилинганлиги таъкидланади [19:20-21]. Бу ҳол дунёда юз берган ўзгаришлардан Уструшана минтақаси четда қолмагани, ўзга диёрларда содир бўлган маданий тараққиётдан маълум даражада баҳраманд бўлиб тургани ва, ўз навбатида, бошқа ҳудудлардаги жараёнларга таъсир кўрсатиб келганини исботлайди.

Араб биограф олимлари ўз асарларида араб тилида ижод этган бир қатор уструшаналик шоирлар, мутасаввифлар, муҳаддис ва фақиҳлар ҳақида маълумотлар келтирадилар. Уларнинг илмий-маънавий мероси Уструшана илмий марказининг нафақат мусулмон тамаддуни, балки умумдунё цивилизациясида ҳам юқори мавқега эга бўлганидан дарак беради. Уструшанадан чиққан олимлар ўз тафаккури ва идроки, истеъдоди ва ақлий салоҳиятининг ўткирлиги боис башариятга хизмат қилгани айтиш ҳақиқатдир. Жумладан, улар Бағдод, Эрон ва мусулмон маданиятининг бошқа ўчоқларида катта ҳурмат ва эъзозга мушарраф бўлиб, улкан ютуқларга эришган.

Уструшана илмий марказининг “умуртқа суяги”ни ташкил этган олимларни асосан мутасаввиф шоирлар, муҳаддислар ва фақиҳларга бўлиш мумкин. Бунинг ўзига хос асослари бор.

Уструшана минтақасининг Суғд, Фарғона, Шош воҳалари оралиғида ҳамда Буюк Ипак йўли бўйида жойлашгани бу заминда илм-фан ва маданиятнинг юксалишида ёрдамчи омил бўлиб хизмат қилган. Уструшана ислом таълимоти устуворлиги шароитида Мовароуннаҳрда содир бўлган Биринчи Ренессанснинг ҳаракатлантирувчи механизмларидан бири бўлган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Бартольд В.В. Сочинения. – Т. I. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – 759 с.
2. Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – Новосибирск: Наука, 1989. – 435 с.
3. Негматов Н.Н. Уструшана в древности и раннем средневековье – Сталинабад, 1957. – С. 247.
4. Фрейман А.А. Согдийские документы с горы Муг // Описание, публикации и исследование документов с горы Муг. Вып. 1. – М.: Восточная литература, 1962. – 224 с.
- 5.
6. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. II. – М. – Л., Изд. Ан СССР, 1950. – 480 с.
7. Пардаев М.Х., Гофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта аср кишлок маконлари. Монография. Тошкент: “Ilmiy-texnika axboroti – press nashriyoti” 2016. – 348 б.
8. Ал-Авзон ал-маҳмуда. – Девбанд. Дор ал-кутуб ал-‘илмийя, 2004. – 465 б.
9. Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форисий ал-Истахрий. Масолик ал-мамолик. EDIDIT. M.J. DE GOEJE. LUGDUNI-BATAVORUM. APUD E. J. BRILL. 1927. – 348 б.
10. Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий. Тарихи Муллазода. Форсчадан Ш.Воҳидов ва Б.Аминовлар таржимаси-Т.: Янги аср авлоди, 2009. -208 б. – Б. 56-57.
11. Субҳий Жамил ал-Хайёт. Диросат муқорана ли-китоб Таквим ал-адилла фи усул ал-фикҳ: докторлик диссертацияси. – Қоҳира: ал-Азҳар университети, 1977. - 280 б.
12. Ибн Касир. Ал-Бидоя ван-нихоя.– Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия., 1987.
13. Қураший Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абилвафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий. Ал-Жавоҳир ал-музййа фий табақот ал-ҳанафия. 5 жилдли / Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Хулв таҳрири остида –Қоҳира: Ҳижр, 1993.
14. Лакнавий Муҳаммад Абдулҳай ал-Ҳиндий. Ал-Фавоид ал-баҳия фий тарожуми-л-ҳанафия. 2 жилдли. – Қоҳира, 1906. – 632 б.
15. Жабборов Музаффар. Факих Абу Жаъфар Уструшаний и его научное наследие. WORLD SCIENCE: PROBLEMS AND INNOVATIONS: сборник статей XLIV Международной научно-практической конференции. – Пенза: МЦНС «Наука и Просвещение». – 2020. – 336 с.
16. Jabborov Muzaffar. Fakikh Abu Ja'far Ustrushaniy and his scientific heritage. Journal “Bulletin Social-Economic and Humanitarian Research”, № 4 (6), 2019. e-ISSN 2658-5561
17. Ибн Халдун. Ал-Муқаддима. Искандария: Дору Ибн Халдун. – 706 б.
18. Сиддик ибн Ҳасан ал-Қунужий. Абжадул улум. Байрут: Дорул кутуб ал-илмия, 1978. – 480 б.
19. Бетгер Е.К. Извлечения из книги «Пути и страны» Абу-л-Касима ибн Хаукаля. // Труды САГУ. Вып. CXI. Т., 1957. - 22 с.